

# **Фармон ижроси амалда**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24-майдаги Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида"ги ПФ-80-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2024 йил 1-июлдан 2026 йил 1-июлгача ҳуқуқий эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган айrim давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқишининг янги тартиби жорий этилади.

Ҳуқуқий эксперимент доирасида:

- Адлия вазирлиги ҳузурида Олий апелляция кенгаши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузурида Апелляция кенгаши ташкил қилинади;
- апелляция кенгашлари маъмурий органларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги маъмурий ҳужжатларини судгача кўриб чиқиш натижасида ушбу ҳужжатларни ўзgartериш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди, бундан қонунчиликка мувофиқ фақат суд тартибida бекор қилинадиган ёки ўзgartириладиган ҳужжатлар мустасно;
- маъмурий органларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги маъмурий ҳужжатларини апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқиш манфаатдор шахсларнинг шикоятлари ҳамда давлат хизматларини кўрсатишни мониторинг қилиш натижаларига кўра амалга оширилади;
- апелляция кенгашларининг қарорлари "E-qaror" электрон тизимида эълон қилиб борилади, шунингдек, маъмурий шикоят бўйича маъмурий иш юритуви иштирокчиларига белгиланган тартибда маълум қилинади ва маъмурий органлар томонидан уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;
- апелляция кенгашларининг қарорлари юзасидан манфаатдор шахс томонидан суд тартибida шикоят қилиниши мумкин, маъмурий органлар учун мазкур қарорлар қатъий ҳисобланади ва уларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин

Эмас.

**Ғолиб Хидиров**

**Фуқаролик ишлари бўйича**

**Термиз туманларо суди раиси**